Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 147 (21. 246) 1992 йил 28 июль, сешанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

1 СЕНТЯБРЬ · ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

МАЖЛИСХОНА ЎРНИДА ИШХОНА

● Деярли барча меҳнат жамоаларида бўлгани каби Жарқўрғондаги темир-бетон буюмлари заводида ҳам мажлисхона бор эди. Уни русча қилиб «актовий зал» деб аташарди. Мажлисхонанинг сатҳи қанча, неча ўринли — шу пайтгача ҳеч ким бунга сўраб-суриштирмаган, биров қизиқмаган, ойда-йилда бир мажлис бўлса, шу ерга бир тўпланишарди, холос. Яқиндан бошлаб эса мажлисхона жамоага чиндан ҳам керак бўлиб қолди.

Директор Зокир Рамазоновнинг гапи билан жамоага Хива гилам тўқиш комбинатидан гилам тўқиш ускунаси келтирилди. Бунақа ускунадан яна 15 тасига буюртма берилди. Заводнинг тўртта ишчиси — Каромат, Марзия, Санобар, Муқаддаслар хоразмлик гилам тўқувчилардан касб ўрганишга жўнаб кетишди. Хом ашё ҳам топилди-қолди. Олтариқдан ярим жун калава харид қилинди. Хуллас, шу йил, эҳтимол сентябрь ойидан бошлаб илгари нуқул лоток, плита ишлаб чиқарган заводда гилам тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Бунинг учун албатта жой керак. Жой бўлса тайёр — мажлисхона.

Гилам тўқишга керак бўладиган калава қиммат экан — бир килоси 240 сўм, — дейди директор лабини тишлаб. — Шуни ҳисобга олиб, биз калава тайёрлагич машиналарни харид қилиш ниятидамиз.

Яна бир гап. Заводнинг икки қаватли идораси бор. Эндиликда идоранинг биринчи қаватини «ишхона»га айлантиришни ўйлаяптилар. Гап шундаки бу ерда яқин орада саккиз тепкилик атлас тўқиладиган бўлади.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўн йилдирки, Замира Эгамбердиева трикотажчилар даврасида. Тўқимачилик олий билимгоҳини тугатгач, трикотаж ишлаб чиқариши муаммоларига дуч келди. Тикув цехи бошлиғи бўлиб ишларкан, бу ерда меҳнат қилаётган хотин-қизларга яхши шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилди.

Энди эса даврани кенгроқ олишга тўғри келяпти. Чунки у икки йилдан буён Самарқанд трикотаж фабрикаси касаба уюшмаси раиси сифатида бутун корхона меҳнаткашлари моддий-маиший аҳволини яхшилашга вакил қилинган. Ахир касаба уюшмаси фаолиятини бошқариш — мураккаб иш. Корхонада 2700 киши ишлайди. Уларнинг ҳар бири Замирахондан яхшилик кутади.

Яхшилик қилиш эса осон эмас. Шундай бўлса-да, уюшма етакчиси тўкис иш шароити яратиб бериш, ишчиларнинг ижтимоий шароитини яхшилаш, уларнинг дам олишини уюштириш борасида ғамхўрликни кучайтириш чораларини кўряпти. Бундай ғамхўрлик корхонада маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш ва сифатини кўтаришга ёрдам бермоқда.

СУРАТДА: корхона касаба уюшмаси раиси Замира Эгамбердиева (ўнгда) ишчилар билан мулоқотда.

Суратқаш Ғ. АЛИЕВ.

НУРХОНАГА ШАРОФ РАШИДОВ НОМИ БЕРИЛДИ

● Атоқли давлат арбоби Шароф Рашидов номини қашқадарёликлар ҳам иззат-икром билан тилга оладилар. Бу ерда вужудга келган бунёдкорлик гўшалари, гўзал шаҳар ва посёлкалар унинг номи билан боғлиқ.

1982 йил 17 июль куни Қарши чўлқуварлари учун унутилмас воқеа саналади. Ўшанда Шароф ана Қарши даштида барпо этилажак, Ўрта Осиёда энг йирик Таллимаржон ГРЭСи пойдеворига биринчи ғиштни қўйган эди. Бу ерда қад ростлайдиган янги шаҳарчани эса «Нуристон» деб номлашни таклиф этганди. У кишининг бевосита ғамхўрлиги ва ёрдами билан ГРЭСда улкан қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Таптақир чўл ўрнида Гулистон шаҳарчаси тикланмоқда. Бугунги кунда ўнлаб кўпқаватли уй-жойлар, маданий-маиший ва ижтимоий бинолар шаҳарча ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Яқинда бўлғувси нур булоғи Шароф Рашидов номи билан аталди. Иншоот яқин орада ишга тушиб, 3,3 миллион киловаттсоат энергия ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

— Таллимаржон ГРЭСининг Шароф Рашидов номи билан аталиши бежиз эмас, — дейди Нишон район ҳокими, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Хаитмурод Фармонов, — чунки у киши Қарши чўлига, Қашқадарёга тез-тез ташриф буюриб, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга катта эътибор берарди. Чўлқуварлар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб турарди. Аслида Нуристон шаҳарчаси ва ГРЭСнинг юзага келиши Шароф Рашидович Рашидов номи ва бевосита ташаббуси билан боғлиқ десам, ҳато қилмайман.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОМИССИЯ ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

27 июль куни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик кунини байрам қилишга тайёргарлик кўрувчи республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишни комиссия раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев бошқарди.

Комиссия аъзолари масъул ўртоқларнинг байрамга тайёргарлик қандай бораётгани ҳақида ахборотини тингладилар. Байрам тантаналари режасига айрим янги ўзгартишлар киритилди. Йиғилишга таклиф этилган вилоят ҳокимлари ўз музофотларида байрамни нишонлаш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳақида сўзлаб бердилар.

Йиғилишда комиссиянинг матбуот гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлаб, Мустақиллик куни одатдаги байрам тантанаси эмас, балки халқимиз тарихида биринчи бор ўтказилаётган муҳим тарихий сана эканини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ЎҚИШНИНГ ЯГОНА ЙЎЛИ—УНГА ОБУНА БЎЛИШДИР

КЕЙИНГИ кунларда «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти сизлардан кўпдан-кўп хатлар олмоқда. Айни пайтда телефон орқали ҳам сўровлар бўлиб турибди. Уларда, нима учун сўнгги пайтларда ойнома ва рўзномалар сотиладиган дўконларда «Ўзбекистон овози» газетаси йўқлиги ҳақида шикоятлар қилинмоқда. Одамлар кунда, кун ора таҳририятга келиб, газетанинг ўша кунги сонини топиб беришимизни сўрашяпти. Қўлимиз қисқалик қилиб уларнинг илтимосини қондира олмаслигимизни айтишга мажбур бўляпмиз. Бундай нохуш вазиятнинг рўй беришини биз ҳам асло хоҳламаймиз. Ҳаммасига газета қоғозининг ниҳоятда қимматлашиб кетганлиги ва танқислиги сабабчидир. Минг афсуски, бу муаммо ҳали-бери ҳал бўлмайди.

Биз шу вақтгача газетамизнинг юз минглаб муҳлислари бўлганлигини ва улар жамоамизни қўллаб-қувватлаб турганликларини сира унутмаймиз. Ҳа, газета газетхон билан тирик. Таҳририят ўз ўқувчилари билан мунтазам равишда газета саҳифалари орқали учрашиб туриши керак. Бунга эришишнинг бирдан-бир ишончли йўли — ўзингиз севган газетага обуна бўлишдир.

● Кимки, шу йил 12 августгача «Ўзбекистон овози»га ёзилишга улгурса, 1 сентябрдан бошлаб газетани уйида олиб ўқийверади.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: газетамизнинг:

бир ойлик обуна нархи — 33 сўм.

уч ойлик нархи — 99 сўм.

йил охиригача эса 132 сўм.

Нашр кўрсаткичимиз 64583.

ФАХРИЙ МУҲАРРИРЛАР—МЕҲМОНИМИЗ

Яшириб нима қиламиз, ҳамма қатори жамоамизга ҳам оғир ҳозирги пайтда. Аҳвол танг палларда ишни яхшилаш йўллари ҳақида ўйлайди киши. Бунда тўғри йўлни, кишига далда берадиган гапларни кўпни кўрган, тажрибаси бой устозлар кўрсатади. Ахир қари билганни пари билмас, деган гаплар бекорга айтилмаган.

Газетамизнинг фахрий муҳаррирлари бўлиб қолган Знёд Есенбоев ва Мақсуд Қориев ташриф буюрдилар. Уларни газетамиз жамоаси аъзолари ўзларининг ҳақиқий устозлари сифатида эъзозлайдилар, ҳурмат қиладилар. Устозларимиз умрларининг энг қайноқ йилларини «Қизил Ўзбекистон» — «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасига бош муҳаррирлик билан ўтказдилар. Шу давр мобайнида қанчаданқанча шогирдлар етиштирдилар. Ҳозир уларнинг аксарияти шу газетада баракали ижод қилиб келмоқдалар.

Учрашувда Шароф Рашидовдек инсоннинг пойқадами теккан бу муқаддас даргоҳнинг ўзига яраша ажойиб анъаналари борлиги мамнуният билан таъкидланди. Айни пайтда бир вақтлар 800 минг нусхада чоп этилган газетанинг тиражи бугунги кунда бир неча ўн мингга тушиб қолганлиги қаттиқ безовта қилаётганлиги айтилди, мазкур мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари ҳақида кўпгина фойдали мулоҳазалар, аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Суратқаш М. БОЛТАБОЕВ.

30 ИЮЛЬ КУНИ... ИНДИНГА...

Самарқанд шаҳрида мустақил республикамиз 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқлар заёмининг БИРИНЧИ ТИРАЖИ ўтказилади.

Саноқли, ғаниматкунлардан фойдаланиб, заём облигацияларини сотиб олишга шошилинг. Ажаб эмас, 250 МИНГ СЎМЛИК АСОСИЙ, ЭНГ КАТТА ЮТУҚ сизга чиқса.

Облигацияларни Ўзбекистон жамғарма банки, деҳқончилик-саноат банки, саноат-қурилиш банки муассасаларидан бемалол сотиб олишингиз мумкин. Бу билан республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшган бўласиз.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНАЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ҲАМДА ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартибини «Дипломатик муносабатлар тўғрисида»ги 1961 йилдаги Вена конвенциясига ҳамда бошқа умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва қоидаларга мувофиқ белгилайди.

1-модда.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатия ваколатхонасининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тайинланади ва чақириб олинади. Бу лавозимга номзодга доир таклифни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тегишли идоралар билан келишган ҳолда киритади.

2-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маъқуллаган дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг номзодини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири ваколатхона жойлашган мамлакат Ташқи ишлар вазирлигига (ёзма) тақдим этиб, унинг розилигини (агреман) сўрайди.

3-модда.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси бошлиғини тайинлаш ваколатхона жойлашган мамлакатнинг расмий розилиги олинганидан кейин амалга оширилади.

Ваколатхона жойлашган мамлакатдан жавоб олингунча дипломатия ваколатхонаси бошлиғи лавозимига номзод хусусидаги маълумотлар махфий сақланади.

4-модда.

Фавқулодда ва мухтор элчи ёки фавқулодда ва мухтор вакил тайинланган мамлакатга жўнаб кеттунига қадар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги унга борадиган давлатнинг раҳбарига топшириши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири имзоси билан тасдиқланган ишонч ёрлиғини тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикасининг ишончли вакилига Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг қабул қилувчи мамлакат ташқи ишлар вазирлиги номига ёзилган мактуби берилади.

5-модда.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси бошлиғи қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан чақириб олинади:

а) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи алмаштирилганда;

б) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи номатлуб шахс (персона нон грата) деб эълон қилинганда;

в) давлатлар ўртасидаги дипломатия муносабатлари узилганда;

г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда;

д) давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқолганида.

6-модда.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарининг бошқа аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг буйруқлари билан тайинланадилар ва чақириб олинадилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 3 июль.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

РЕСПУБЛИКАДА КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Нақд пулни ғайриқонуний тарзда тўлашга ҳамда пулнинг қадрсизланишига олиб борадиган пул маблағларини сохта банк ҳужжатлари бўйича мижозларнинг ҳисоб варақаларига ўтказишнинг олдини олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади.**

1. Республика хўжалик юритувчи субъектларининг банк ҳисоб варақаларига Ўзбекистон ташқарисидан юборилаётган сохта банк ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ўтказишга йўл қўймаслик масъулияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг кореспондентлик варақаларига маблағларни «рубль» минтақасига кирувчи давлатларнинг марказий (Миллий) банк муассасаларининг тамғали муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар бўйича ва уларни синчиклаб текширгандан сўнг ўтказсин.

2. 1992 йилнинг 1 октябридан бошлаб:

барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг бўлимлари касса хизмати кўрсатиши;

хўжалик юритувчи субъектларга кредит-ҳисобкитоб ва инвестиция хизмати кўрсатиш Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки ва бошқа тижорат банклари зиммасида қолиши белгилаб қўйилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулларни Вазирлар Маҳкамасининг «Пул муомаласини барқарорлаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1992 йил 6 апрелда чиқарган 166-сон қарорига қатъий мувофиқ равишда берсин.

4. Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки билан Ўзбекистон саноат-қурилиш банки шу йилнинг 1 сентябрига қадар улар банк тизимини қайта ташкил этиш даврида собиқ СССР Давлат банкидан 1988 йилнинг 1 январигача бўлган холатда қабул қилиб олган хизмат бинолари ва ускуналарни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига топширсин.

Республика тижорат банклари касса хизмати кўрсатиш бўлимларини очиш учун Ўзининг биноларидан ва ижарага олган биноларидан шартнома асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жой берсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қабул қилиб олинган бинолар ва берилган иморатлар негизида ўз бўлимларини очсин, бу бўлимларга барча тижорат банклари мижозларига касса хизмати кўрсатиш ва нақд пуллар берилишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин. Бўш турган хизмат бинолари ва машина-ускуналар Ўзбекистон саноат-қурилиш банки билан Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банкига ижарага берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1992 йил 1 октябрига қадар Марказий банк, тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги бўлимлари раҳбар ходимларини ишлаб чиқилган Низомга мувофиқ улар эгаллаб турган лавозимига мос ёки мос эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш қуқуқи билан аттестациядан ўтказиш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига икки ҳафта ичида мулкчилик шакли қандай бўлишидан қатъи назар, барча муассасалар, корхоналар ва ташкилотларга халқ хўжалиғида касса операцияларини юритиш янги тартибини етказиш тавсия қилинсин.

Муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари касса операцияларини юритишнинг белгиланган тартиби қатъий бажарилишини таъминласинлар.

7. Республика Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, республика Бош давлат солиқ бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тасдиқлаган касса операцияларини юритиш тартибини бузганлик учун корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари ва бош ҳисобчиларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги таклифларни тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Ўзбекистон жамғарма банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат банки ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки зиммасига мулкчилик барча шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан пул ўтказиш йўли билан фуқаролар ҳисоб дафтарчаларига келиб тушаётган маблағларни ҳисобга олиш ҳамда нақд пул бериш тартибини уч ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Тижорат банклари муассасаларининг раҳбарлари зиммасига корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар ва муассасалар амалга ошираётган операциялар уларнинг тасдиқланган низомлари ва қоидаларига мувофиқ эканлигини назорат қилиш бўйича шахсий масъулият юклатилсин. Сохта ҳужжатлар тақдим этиш ҳоллари аниқланган тақдирда банк муассасалари материалларни дарҳол ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларига топширсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хизмат сафарига юборилаётган шахслар учун муассасалар, корхоналар ва ташкилотларга фуқаро авиацияси, темир йўл транспорти чипталарини нақд пулсиз ҳисобкитоб қилиш йўли билан сотишга ўтиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги келишиб олинган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига икки ой ичида тақдим этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг банк фаолияти билан, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишига ана шундай банкларни тегишли минтақа ҳудудида барпо этишга жиддий иқтисодий зарурат бўлган тақдирдагина ва Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни талабларига қатъий риоя этган ҳолда лицензиялар берсин.

12. Кредит заҳиралари ва нақд пул жуда етишмаётганини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг савдо-воситачилик ва савдо-харид операцияларини амалга ошириш учун қарз беришни (давлат эҳтиёжларини ҳамда ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ равишда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш бундан мустасно-дир) 1993 йилнинг 1 июлига қадар вақтинча тўхтатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

13. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари — Вазирлар Маҳкамаси мажмуиларининг раҳбарлари зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри
1992 йил 24 июль.

• ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ҚУВОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Жиззах вилоятида партия аъзоларига Ўзбекистон ХДП янги билетлари топширила бошланди.

ХДП вилоят кенгашининг мажлислар хонасида партия аъзолик билетларини топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу маросимда вилоят, шаҳар, район ҳокимиятлари раҳбарларидан тортиб партия сафига эндигина кирган кўплаб ёшларгача қатнашдилар. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Азимов тўпланганларни бугунги ҳаяжонли воқеа билан табриклар экан, ХДП фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари олиб бораётган ибратли ишлар ҳақида қисқача тўхталди. Шундан сўнг Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши иккинчи котиби М. Қирғизбоев партияга аъзолик масъуляти ҳақида гапирди. ХДП аъзоларини энг муҳим партия ҳужжатлари олаётганликлари билан табриклади.

— Мен 1929 йилдан буён тўртинчи марта партия билетининг янги нусхасини олишга муяссар бўлдим, — деди ХДПнинг вилоятдаги энг кекса аъзоси 90 ёшли Эгамберди ота Ҳазратқулов. — Янги сиёсий ташкилотнинг янги билетини ҳам ҳар доимгидек кўз қорачиғидек асрайман. Халқпарвар партиямиз учун керак бўлса жонимни ҳам беришга тайёрман.

Шу куни вилоятнинг турли районларидан келган юз нафарга яқин партия аъзоларига партия билетлари топширилди. Улар орасида таниқли пахтакор, Ўзбекистон халқ депутати П. Зиёдов, ХДП Марказий Кенгаши аъзолари Н. Стряпшева, С. Мирзабеков, тафтиш қўмитаси аъзоси А. Қобилов, партия ва меҳнат фахрийлари Э. Исломов, М. Оролов, А. Мансурова ва бошқалар бор.

Яна бир эътиборли томони шундаки, партия билетини олган ҳар бир ХДП аъзосига вилоят партия кенгашининг махсус тайёрланган Ёдномаси ҳам қўшиб топширилди. «Сиз халқпарвар, демократик, Президент партиясига янги куч бўлиб қўшилдингиз. Унинг сиёсатини, ғояларини ҳаётга татбиқ этишда, истиқлол байроғи остида ҳур юртимизни иқтисодий тангликдан ёрқин келажакка олиб чиқишда жанговор курашчига айландингиз», деб қайд этилган унда.

Партия билетларини топшириш маросимида қатнашган шаҳар, район партия кенгашларининг биринчи котиблари мазкур тантаналар руҳини жойларда ҳам давом эттириш керак, деб таъкидладилар.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашида бўлиб ўтган ушбу маросимда вилоят ҳокими Э. Турсунов, унинг ўринбосарлари иштирок этишди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Вилоят ҳокимиятида шаҳар ва район ҳокимларининг партия ташкилотлари ижроия бюролари котиблари билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда вилоятда ижтимоий-сиёсий вазият ва уни янада соғломлаштириш бўйича маҳаллий ҳокимиятнинг партия ташкилотлари билан ҳамкорлиги масаласи муҳокама қилинди.

Шу ҳақда вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров нутқ сўзлади. Нотиқ халқнинг тинч турмуши, фаровон ҳаётини таъминлаш учун ҳокимият ва партия ташкилотлари яқин ҳамкорликда иш олиб бораётганлиги тўғрисида гапирди. Ҳокимият меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишни кучайтириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда бундан кейин ҳам партия ташкилотларига таянишини алоҳида уқтирди. Мустақиллик кунини нишонлашга ҳозирлик, жойларда мулоқот клублари фаолиятини жонлантириш юзасидан ҳамкорлик вазифаларига тўхталди. Нотиқ мулоқот иштирокчилари саволларига жавоб берди. Келгусида бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш тўғрисида келишиб олинди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Халқаро алоқалар*

УРУМЧИ ЯРМАРКАГА ТАКЛИФ ЭТМОҚДА

● Сентябрь ойида Хитойнинг Шинжонг-Уйғур Мухтор ноҳиясининг маъмурий маркази Урумчи шаҳрида «Урумчи—92 чегара-маҳаллий савдо-иқтисодий ярмаркаси» очилади.

Уни ташкил этувчилар Шинжонг-Уйғур Мухтор ноҳиясининг, шунингдек Шаньси, Гансуа, Циньхай вилоятларининг, Нисян-Дунгон мухтор ноҳиясининг савдо-саноат доираларидир. Биринчи марта ўтказилаётган кенг кўламдаги ярмаркада Хитой ва хорижий фирмалар ҳамда компанияларнинг тўрт мингдан ортиқ намояндалари иштирок этади. Таклиф этилганлар орасида жаҳондаги 30 мамлакатнинг, жумладан, МДҲ давлатларининг вакиллари бор. Ярмаркадан мақсад Шинжонг-Уйғур Мухтор ноҳиясининг турли мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришдир.

Хитой Халқ Республикаси Шинжонг-Уйғур Мухтор ноҳияси вакиллари халқ мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари Чжан Си Сое бошчилигидаги Хитой савдо делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Делегация аъзолари ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги раҳбарлари билан учрашиб, суҳбатлашдилар. Меҳмонлар республикадаги бир қанча корхоналарни бориб кўришди.

— Бизни самимий кутиб олганликлари учун чин дилдан миннатдормиз, — деди Чжан Си Сое Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда. — Республикангиз вазирликлари ва идораларининг, ташқи савдо ташкилотларининг, савдо-саноат доираларининг вакиллари Урумчига бориб, 1 сентябрдан 10 сентябргача давом этадиган ярмаркада фаол қатнашадилар, деб умид қиламиз.

1,5 миллион квадрат километрдан кўпроқ майдонни эгаллаган ноҳиямизнинг ташқи савдоси сўнгги вақтда яхши ривожланмоқда, — деб давом этди меҳмон. — Хорижий сармоялар ва ҳукуматнинг рухсати билан чегарадаги Ғулжа, Чужучак, Бартала шаҳарлари очиқ шаҳарга айлантирилганлиги савдо-сотиқни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли асосда савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилди.

Ўзбекистон билан Хитойнинг Шинжонг-Уйғур Мухтор ноҳияси ўртасида азалий дўстона муносабатлар доирасида сўнгги вақтда савдо-иқтисодий алоқалар ҳам, маданий алоқалар ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Ишончим комилки, ўзбекистонлик ишбилармонларнинг ярмаркада иштирок этиши ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашади, — деди Чжан Си Сое.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

АХБОРОТ

ХАЙРЛИ ИШ

● ВИЛОЯТ хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Амир Темур жамғармаси очилди. Жамғарма вилоятдаги меҳнат жамоаларини, жамоат ташкилотларини, фуқаролар ва чет элдаги юртдошларни ихтиёрий равишда бирлаштириб, ўз фаолиятини республика қонунлари ҳамда Низоми асосида амалга оширади.

Унинг энг асосий мақсади буюк соҳибқирон Амир Темур хотирасини абадийлаштириш. Шаҳрисабз ва вилоятнинг бошқа жойларида Жаҳонгир даврида барпо этилган тарихий обида ва ёдгорликларни таъмирлаш ишига ёрдамлашишдан иборат.

Муҳташам ва ғариб Оқсарой — халқаро ташкилот ЮНЕСКО тасарруфида. Лекин, шундай бўлса ҳам қаровсизлик оқибатида кун сайин нурамоқда. Ҳазрати Имом, Кукгумбаз, Амир Темур даҳмаси, жаҳонгир Мақбараси каби ёдгорликларни сақлаш учун вақти-вақти билан таъмирлаб бориш керак. Бунинг учун катта маблағ варур. Аммо ҳозирги иқтисодий танглик шароитида маблағ топиш осон эмас.

— Жамғарма ташкил этилганлиги менимча хайрли иш бўлди, — дейди вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Шодиой Мансурова. — Бу Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейи олдидан ҳар хил қизиқарли тадбирлар ўтказиш имконини беради. Тарихий обидаларга қайта ҳаёт бағишлаш эса бош масала.

Жамғармамизнинг имкониятлари кенг. Вилоятдаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида кичик корхоналар, цехлар, ширкатлар ташкил этиш, касаначиликни ривожлантиришга яқиндан туриб кўмаклашади.

Жамғарма ҳисоб рақами 70070. Шаҳрисабз шаҳар акционерлик деҳқончилик тижорат саноати банкининг бу ҳисоб рақами бўйича ҳозирданоқ узоқ-яқин жойлардан озми-кўпми маблағ келиб тушмоқда. Бу эртанги кунга, саховатга хизмат қилади.

ДЕҲҚОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

● Аҳолини сервитамин неъматлар билан таъминлаш мақсадида Ульянов район мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш идораси ҳузурида консерва цехи қурилмоқда.

Цех ишга тушгач, маҳсулот нобудгарчилиги олдини олишда деҳқонларга қулайликлар яратилади. Район хўжаликларида етиштириладиган мева ва сабзавот маҳсулотларидан 200 минг шартли банка консерва маҳсулотлари тайёрланади.

Айни пайтда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Пойдевор учун бетон блоклар ўрнатилмоқда. Бу ишни Довуд Сиддиқов бошлиқ хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бинокорлари амалга оширмоқда. Корхонани муддатида фойдаланишга топшириш учун ишчи кучи ва техника воситаларидан унумли фойдаланилмоқда.

«НАСАФ» ЖАМОАСИ

● ҚАРШИ районидаги «Партия XXII съезди» совхозига «Насаф» номи берилди. Буни давлат хўжалиги жамоаси илиқ қарши олди.

— Совхозимиз аслида уруғлик етиштиришга ихтисослашган, — дейди хўжалик директори Тўра ака Ғуломов. Аммо, сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштириб, эл дастурхонига тортиқ этяпмиз.

Давлатга режадаги 33 тонна ўрнига 40 тоннадан зиёд «кумуш тола» топширилди. Шунингдек, 1 минг тонна ғалла, 1650 тонна пахта, 200 тонна мева, 3 минг тонна сабзавот ва ҳар хил сифатли уруғ етиштиришни мўлжаллаяпмиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ЙИЛГА ТАТИЙДИГАН КУН*

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

ТОШКЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН (СОБИҚ ЧИМКЕНТ) ВИЛОЯТИДА БЎЛИШИГА ДОИР

Бурноғи йили май ойида Тошкент ва Чимкент вилоятлари ўртасида имзоланган шартнома икки халқнинг азалдан таркиб топган иқтисодий, маданий ва маърифий алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Икки томонлама манфаатли мулоқотлар чоғида фойдаланилмай ётган резервларни излаб топиш, илғор жамоалар тажрибасини оммалаштириш, меҳнатни ташкил этишнинг янги, самарали шаклларини турмушга татбиқ этиш сингари муҳим масалалар қамраб олинаётир.

Бу галги сафар ҳам аввалгидек икки вилоят халқи дўстлиги, ҳамкорлиги, қон-қардошлигининг яққол намойишига айланди. Маърузаларда, ўзаро мулоқотларда билдирилган орзу-ниятлар амалийлиги билан қадрлидир. Бу фикрни далиллаш учун кечаги кунга бир назар солиш кифоядир. Тошкент райони билан Сариоғоч, Янгийўл билан Келес, Зангиота билан Киров, Келес районлари ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Юқоридаги районлар вилоятимизга гўшт ва гўшт маҳсулотлари, чорва молари озуқаси, дон-дун ва ҳоказоларни етказиб берган бўлса, ўз навбатида Тошкент вилояти қардошларимизга мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари жўнатмоқда. Зангиота райони жорий йилда Келес райони билан ўн миллион, Киров райони билан эса олти миллион сўмлик ҳажмдаги юмушлар бажарилиши юзасидан шартнома тузган. Шу йилнинг ўзида зангиоталиклар қўшни районда консерва цехи қурилишини бошлаб юборадилар.

Сариоғоч райони ҳам Тошкент районига ёндош, жондош. Ушбу районнинг юзлаб меҳнаткашлари жумҳуриятимиз пойтахтида жойлашган Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Миконд» корхонаси ва тўқимачилик комбинатида махсус автобусларда қатнаб ишлашади. «Тошкент», Тўлабий (собиқ «Ленинград») номли давлат хўжаликлари далаларида сабзавот етиштирадилар.

Қозоқлар ўзбеклар билан жон қўшни, қуда-анда бўлиб кетишган. Қозоқ хонадонида тўй бўлса ўзбекча қўшиқ, мусиқа эшитасиз ёки аксинча. Дастурхон ўртада, фикр ўртада, мақсад ўртада. Абай номли 850 ўринли мактабнинг 60 фоиз ўқувчисини ҳам қозоқ ёшлари ташкил этади. 27-бошланғич мактабга Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган гвардиячи-капитан Утей Кулибаев номи берилган.

Юқорида айтилганидек, нафақат дастурхонимиз, балки бозорларимиз ҳам ўртада. «Шўро», «Кўктерак», «Ғиштқўприк», «Янгийўл», «Қоплонбек» бозорлари дўстларимизсиз қимматроқ, бефайз-бегавжум. Бинобарин, бозорлар икки халқ ўртасидаги таниш-билишликка, меҳр-оқибатга, мурувватга, қолаверса тўқинчиликка асос соладиган қадрли жой вазифасини ҳам ўтамоқда.

Икки вилоят ўртасида анъанавий ҳамкорликнинг қирралари жуда кўп. Айтайлик, илмий муассасалар, конструкторлик бюролари, турдош корхоналар, тиббиёт, халқ таълими, нашриёт, маданият соҳасида амалга оширилаётган юмушлар ҳар икки томонга ҳам фақат наф келтирмоқда. Шунингдек, физкультура ва спорт, болаларни спорт-соғломлаштириш соҳаларида ўтказилган тадбирлар борди-келдиларни тезлаштиришга ёрдам бераётир. Аввалги сафарлар чоғида ўзбек ва корейс маданият маркази ишига амалий ёрдам кўрсатилди. «Ўзбек китоблари» дўконлари турли адабиёт, бадиий асарлар билан таъминланди. Эндиликда Жанубий Қозоғистон маркази — Чимкент шаҳрида ўзбек тилида вилоят газетаси «Дўстлик байроғи» 30 минг нусхада чоп этиляпти.

Сайрам районида аҳолининг ярмидан кўпи ўзбек миллатига мансуб бўлгани учун аксарият мактабларда шу тилда дарс ўтиляпти.

Кечаги ташриф ҳам аввалгиларининг мантиқий давоми бўлди. Делегация таркибида шаҳар ва районлар ҳокимлари, қишлоқ хўжалиги, саноат намоёндалари бор эдилар. Вилоят ҳокими С. Сайдалиев бошчилигидаги гуруҳга унинг муовинлари, ёрдамчилари ҳам ҳамроҳ бўлдилар. Делегацияни Сариоғоч районида Жанубий Қозоғистон вилояти ҳокими М. Уркинбоев шаҳар ва район ҳокимлари билан бирга тантанали кутиб олди.

— Яқиндагина Президентларимиз учрашувидан халқларимиз мамнун бўлган эдилар. Шундай учрашувлар тарихий алоқаларимизни янада жонлантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир. Мен аминманки, бугунги мулоқотлар икки вилоят халқини бир-бирига янада жипслаштириб, ўзаро меҳр-муҳаббатни, ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамлайди, — деди у. Бундай истак Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев сўзида ҳам таъкидланди. Шундан сўнг Чимкент шаҳридан тайёра билан Туркистон шаҳрига училди. Буюк аллома Аҳмад Яссавий мақбараси зиёрат қилинди. Шаҳарлик турли касб эгалари билан суҳбатлар қурилди. Шаҳар ҳокими Б. Қодирбековга Алишер Навоий сурати туширилган гиламча тошкентликлар совға-саломи сифатида топширилди. Куннинг иккинчи ярмида Чимкент шаҳридаги саноат корхоналари, Тўлабий, Ленин, Бўган районларидаги яхши иш тажрибалари ўртоқлашилди. Ҳозирги мураккаб шароитда қўлни-қўлга бериб ҳаракат қилиш лозимлиги таъкидланди.

Сайрам районига қилинган сафар айниқса, ҳаяжонли бўлди. Чунки бу ерда Хўжа Аҳмад ва унинг отаонаси туғилган. Шайх Иброҳим ота мақбарасини зиёрат қилиш, Аҳмад Яссавий (собиқ Ленин номли) жамоа хўжалиги тажрибалари билан танишишдан яхши таассуротлар олинди. Кўп жойларда ўзаро совға-саломлар айирбошланди.

Хуллас, ҳамма жойда қозоқ биродарларимиз меҳмонларни ўз туғишганларидек кутиб олишди. Агар таъбир жоиз бўлса, икки вилоят халқини икки азим дарёга қиёс қилсак, шубҳасиз, улар ўртасидаги энг яхши мулоқотлардан вужудга келган кўприк самимий дўстлик рамзидир.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТЛАРДА: 1. Меҳмонлар Чимкент шаҳридаги Қозоғистон—Италия қўшма корхонасида. 2. Аҳмад Яссавий мақбараси олдида.

Суратқаш: Даврон Аҳмад.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ДАСТУРДА КЕСКИН ЎЗГАРИШ

● Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта опера ва балет театри ўзининг янги мавсумидан бошлаб репертуарини асосан ўзбек муаллифлари — композиторлари асарлари асосида тузадиган бўлди.

— Бу давр талаби, қолаверса, ҳозирги ўзгаришлар даъвати туфайлидир,— дейди театрнинг бош дирижёри Ўзбекистан халқ артисти Ҳамид Шамсутдинов. — Тўғри, ҳозирга қадар намойиш этилиб келинган дастурларимизда ҳам миллий композиторларнинг асарлари йўқ эмасди, бор эди. Лекин ҳар мавсумда бундай ижод намуналари саноқлигина бўларди. Репертуар асосан Оврўпо, рус мусиқаси намуналаридан ташкил топарди. Театр бадиий кенгашининг қарори билан бу йил ундай қилмаймиз. Янги мавсумда томошабинларга ҳавола этиладиган спектакларнинг бештаси ўзбек муаллифлари мусиқалари асосида яратилиб, миллий қаҳрамонларимиз, тарихимиз ҳақида ҳикоя қилади. Устоз санъаткор Мухтор Ашрафийнинг «Дилором», композитор Мустафо Бафоевнинг «Умар Ҳайём», Толибжон Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун», Узеир Ҳожибековнинг «Гўрўғли» опералари, Тўлқин Қурбоновнинг «Широқ» балети ана шундай асарлардир. Режамизда Матниёз Юсуповнинг «Алиқамбар», Сайфи Жалилнинг «Ажодлар қиличи» опералари ҳам бор.

Театр изланишларини яна шу фактда ҳам кўриш мумкинки, жамоа мусиқа санъатимизнинг дурдоналаридан ҳисобланган «Дилором» операсини янгидан саҳналаштиришга драматик театрларда спектакллар қўйиб элга танилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошевни таклиф этди.

КОМБИНАТ ГИМНИ

● Жумҳуриятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, қолаверса, миллий мусиқа санъатимизда қувончли воқеа юз берди: биринчи марта комбинат гимни ёзилди ва ижро этилди!

Маълумки, хорижий мамлакатларда давлат гимнларигина эмас, шаҳарлар, завод ва фабрикалар, йирик комбинатларнинг ҳам ўз гимни бор. Лекин бу ижодий тажриба собиқ Иттифоқ республикаларида қўлланилган эмас. Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатининг директори Владимир Пак ўз жамоасининг, комбинатининг гимни бўлишини ҳавас қилиб юрарди. Республикамиз мустақилликка эришган тарихий кунларда у ана шу ниятини Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси раҳбарияти, таниқли санъаткор Рустам Абдуллаев билан ўртоқлашди. Уюшма ҳам, композитор ҳам унинг таклифини қўллаб-қувватлади. Натижада кўп ўтмай, композитор Р. Абдуллаев шоир дўсти Мирпўлат Мирзо билан ҳамкорликда комбинатнинг гимнини яратди.

Яқинда Чирчиқдаги Металлурглар саройида ана шу асар илк бор янгради. Бу ишни, яъни гимн ижросини комбинат ишчилари ҳузурига ташриф буюрган санъаткорлар — Алишер Навоий номидаги Катта театрнинг оркестри ва Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг хор жамоаси амалга оширди. Истиқлол руҳида ёзилган мадҳияни комбинат ишчилари, Чирчиқ шаҳри санъат мухлислари катта қувонч билан кутиб олдилар.

С. АЛЛАБЕРДИЕВА.

• МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

ИССИҚ СУВНИ ХУДО БЕРДИ, УНГА ҚАРАЙДИГАН БАНДА ЙЎҚ

● Жумҳуриятимизда ёз чилласи — саратон, асад ойлари бошланиши биланоқ оёғи, бели, қўли муттасил оғрийдиган беморлар, айрим сурункали хасталикларга дучор бўлган кишилар шифобахш иссиқ сувда чўмилишни, даштнинг жазирама қумига киришни истаб қолишади. Навоий вилоятининг Конимех райони ҳудудидаги «Қарақота» давлат хўжалиги шимолий кенглигидаги иссиқ сув ҳавзаси ҳам шу кеча-кундузда дардига шифо излаб келувчилар билан тўлган.

Табиий равишда топилган, Қизилқум саҳросидан бурғилаш ёрдамида отилиб чиққан 44—45 даражали бу иссиқ сув 1959 йилдан буён беморлар дардига малҳам бўлиб келяпти. Жазирама саҳродан топилган бу сув ҳавзаси Навоий — Зарафшон шаҳарлари магистрал йўлининг шундоққина қоқ белидадир. Шунинг учун ҳам келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. У ёки бу хасталиги, дарди бор беморлар бу ерга даво излаб келса, иссиқда толиққан, ташналик қийнаган йўловчилар, шофёрлар эса бир муддат ҳордиқ чиқаргани, бир қултум сув ичгани тўхташади.

Бу қадар қадамжо бўлган ушбу маскан шу кун талабига жавоб берадими? Шифобахш хусусиятга эга бўлган сув ҳавзаси обод, орастами? Унинг чойхона ва ошхонаси борми? Олисдан келганлар учун ётиб даволаниш имкониятлари-чи? Хуллас, даволаш ниятида келадиган дардман, касалманд фуқароларга иссиқ сув ҳавзаси маъқулми? Ҳамма гап ана шунда-да! Иссиқ сув топилгани ва ундан фойдаланилаётганига чорак асрдан ошса-да, бу ердаги сув таркиби, унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида ҳеч ким бош қотирмайди. Иссиқ сув ҳавзаси қаровсиз харобага айланган. Худди шу эътиборсизлик туфайли бундан неча ўн йиллар муқаддам ётқизилган қувурлар аллақачон занглаб, чириб, яроқсиз бўлиб қолган. Ҳатто ҳақли талаблар асосида 1973 йилларда қурилган бетон охўрлар (беморлар шу охўрларда чўмилишар эди) ҳам нураб, тамом бўлди.

Шунча камчиликлар, ўзибўларчиликлар бўлишига қарамай ҳамон кишилар бу ерга келишади. Ҳафталаб шу ерда бўлиб, ўз саломатлигини қайта тиклайдилар. Ачинарлиси шундаки, шарт-шароит бўлмаганига яраша ҳатто беморларга чой-пой дамлаб берадиган, уларнинг ҳол-аҳволидан хабар оладиган ҳам бирор мард топилмайди. Иссиқ сув ҳавзасига жавобгар сифатида биркитилган Нуриддин Қодиров ҳам тайинли бир иш қилаётгани йўқ. У онла аъзолари билан шу тайёр иссиқ сувдан фойдаланиб, мўмай пул ишламоқда, холос. Иссиқ сув оқизиб қўйилган ҳар хонага кириш учун фуқаролар ўттиз сўм тўлаши керак. Бир чойнак чой эса беш сўм. Бироқ чипта бериш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Бу ердаги ошхона саналмиш кичик, тор бир жойда Ҳайдар Раҳмонов ўз манфаати йўлида фойдаланмоқда. Ошхона ён-атрофига мутлақо қараб бўлмайди, санитария талабларига жавоб бермайди.

— Бир неча йиллардан буён бел, оёқ оғриғидан азият чекаман, — дейди нуроталик бош чўпон Э. Раймқулов. — Дардимга мана шу иссиқ сувдан шифо топдим. Бироқ бу ердаги аҳвол соғни касал қилиши табиий. Ўтиришга жой, ейишга нон тополмайсан киши.

— Ёшим 81 дан ошди, — дейди ғиждувонлик меҳнат фахрийси А. Шодиев. — Шу иссиқ сувга келиб, барча дардларимдан фориғ бўлдим. Аммо шарт-шароит йўқлиги, ҳамма ёқни ташланди қоғоз, шиша синиқлари босиб кетганлиги киши ғашига тегади. Наҳотки, бу масканни обод қилишнинг иложи бўлмаса? Отахон билдирган бундай киноялі фикрни шофирконлик Т. Очиловадан, самарқандлик пахта тозаловчилар — А. Темиров, Э. Қаршиев, Ш. Йўлдошевлардан ҳам эшитдик. Ҳамма иссиқ сувдан эмас, бу ердаги қаровсизликдан, айримларнинг юлғичлигидан нолишади. Наҳотки, бу масканни обод қилиш, шу ерда ихчамгина санаторий ёки кичик профилакторий қуриш шунчалик оғир бўлса?!

Шу ўринда Конимех райони ва Зарафшон шаҳри коммунал хўжалиги, қолаверса, Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарларига ҳам аччиқ эътирозимиз бор. Чунки иссиқ сув ҳавзаси улар тасарруфида. Агар бу маскан яқин орада обод қилиниб беморларга зарур шарт-шароит яратилмаса, иссиқ сув сассиқ сувга айланиши, бу ерда юқумли касалликлар тарқалиши ҳеч гап эмас. Бундан ташқари бу жойни ўраб олишнинг ҳам вақти етди. Чунки, ўтган-кетган шофёрлар тап тортмай машинасини шу ерда ювишади, чўпон-чўлиқлар эса молини боқишади.

«Қарақота» иссиқ суви «Моҳихосса» ҳамда «Ленин йўли»даги шифобахш сувлардан асло қолишмайди. Тошкентдаги саломатликни тиклаш институти директори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси К. Йўлдошевнинг хатимизга жавоб қилишича, Қизилқум саҳҳадларидаги бу ноёб иссиқ сув таркибида инсон танги учун ниҳоятда зарур бўлган хлорли сульфат ҳамда кальций-натрий моддалари, турли микро ва макро элементлар мавжуд. Ҳатто шу ернинг ўзида мазкур об-ҳаётдан минерал сувлар ишлаб чиқарадиган кичик цех қурса ҳам бўларкан. Энг муҳими, бу— сувнинг «13273—88» Гост талабида бўлиши ва у ошқозон-ичак касалликлари, модда алмашинувининг бузилиши, буйрак, суяк-бўғин ҳамда асаб хасталикларини даволашда асқотишидир.

Шундай экан, нимага қараб турибмиз? Нега энди, шундай ажиб масканни йўловчилар «соябони», шофёрларнинг машина ювувчи «қўлнала»си қилиб қўйибмиз. Яна бир жиҳати Новосибирск шаҳридаги лойиҳалаш илмгоҳи олимлари бу ерда юз кишилик санаторий қуриш лойиҳасини аллақачон тайёрлаб беришган. Бунинг учун 18-20 миллион атрофида маблағ керак экан. Наҳотки, кон-металлургия комбинатидек иқтисодиёти бақувват ташкилотда бу пул топилмаса? Бизнингча, энди ташаббусни жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз қўлига олиши керак. Акс ҳолда ҳали-бери Қизилқумдаги бу иссиқ сув ҳавзаси сассиқлигича, қаровсизлигича қолаверади. Бунинг учун эса бизни эртанги авлодлар кечирмайди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Акс-садо

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ.

ЁКИ «ХИЁНАТ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИГАНДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

Рўзнома муштарийлари шу йил 22 июлда босилган «Хиёнат» ёки «Ўзбеклар иши»нинг бош ҳомийси ҳақида» сарлавҳали мақолани алоҳида қизиқиш билан ўқимоқдалар. Мақола босилган кунданоқ таҳририятга кўпдан-кўп қўнғироқлар бўлиб, шу мавзуни изчил давом эттириш тўғрисида таклифлар бўлди. Таҳририят номига мақола ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган дастлабки «акс-садо»лар ҳам кела бошлади. Бугун ана шу мақолалардан бирини муштарийлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Ҳа, халқимиз минг-минг йиллик бой тарихга эга, у жаҳон тарихида салмоқли ўринни эгаллайди. Бироқ, элимиз босиб ўтган йўлни, унинг тарихини холисона ёритишга ҳанузгача ожизлик қилмоқдамиз, унинг саҳифаларини «оқ» ва «қора» доғлар хиралаштириб турибди. Узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Атиги 4—5 йил аввал халқимиз бошидан кечирган оғир кунлар ва қатағонни, унга «ўзбек мафияси», «ўзбеклар иши» каби даҳшатли айбномалар ёғдирилган пайтларни эслайлик. Тарих саҳифаларидан бу мудҳиш кунларни чиқариб ташлаш сира ҳам мумкин эмас, айни пайтда бу даҳшатли воқеалар ҳали атрофлича ёритилди, деб ҳам бўлмайди.

Хўш, нега шундай бўлди? Бу воқеалар ким ва кимларнинг айби билан содир бўлди? «Хиёнат» мақоласининг муаллифлари ана шу саволларга жавоб беришга интилишган, воқеаларни Ўзбекистоннинг ўша давридаги раҳбарлари фаолияти билан боғлашган. Бизнингча, масалага бундай ёндашув тарихий воқеаларни ўрганиш қоидаларига мос келади.

Мақоланинг муаллифлари халқимиз бошига тушган оғир кунларнинг айбдорларини номма-ном кўрсатар экан, уларнинг етакчиси Р. Нишонов эканлигини таъкидлаб, уни халққа хиёнат қилган сотқин деб баҳолайдилар. Сотқинлик, хиёнат турли шаклда намоён бўлади. Ватан, миллат сотқини деганда биз очиқдан-очиқ рақиб томонига ўтиб олиб, ўз халқига хиёнат қилган кишинигина эмас, шу билан бирга ўзининг хатти-ҳаракати билан халқига доғ туширган, миллат тақдири ҳал бўлаётганда лоқайдлик билан томошабин бўлиб турган шахсларни ҳам тушунамиз.

Мақолада атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовдан Р. Нишоновнинг аламзада эканлиги, аламзадаликнинг келиб чиқишига Нишоновнинг носоғлом турмуш тарзи сабаб бўлганлиги таъкидланган. Эҳтимол шундайдир. Бу ҳақдаги гап-сўзлар қарийб чорак асрдан бери оғиздан-оғизга ўтиб юрганлиги ҳам сир эмас-ку. Ана шу аламзадалик «сулаймон ўлиб, девлар қутурган» пайтда марҳумга отилган тошга айланган бўлиши мумкин.

Ш. Рашидовни қоралаш осон эмаслигини тушунган ўша «зот»лар ўз режасини ҳар жиҳатдан «асослашга» уриндилар, албатта. Аввало Ш. Рашидов билан бирга ишлаган минглаб партия, совет, хўжалик раҳбарларини, ақлий ва жисмоний меҳнатда танилган ходимларни бадном қилиш, қамаш амалга оширилди. Сўнгра Ш. Рашидовни қоралашга мафкуравий тус бериб, «Шарофрашидовшина» деган сунъий атамани тўқиб чиқаришди. Аммо пировард натижада улар ўзлари қазиган чоҳга ўзлари йиқилдилар.

Мақола муаллифлари Р. Нишоновни ўзининг мунофиқона мақсадига эришиш учун Гдлян ва Иванов бошлиқ жазо лашкарларидан устамонлик билан фойдаландигина эмас, уларга раҳнамолик қилган, мадад бериб турган сотқин, ўзбек халқининг ўз ичидан чиққан хоин деб ҳисоблайдилар. Кечагина республикамизга раҳбарлик қилган давлат «арбоби»нинг фаолиятига берилган бундай сиёсий баҳо ҳеч кимни бефарқ қолдирмаса керак. Муаллифлар бу баҳонинг тагида ётган ижтимоий-сиёсий заминлар ҳақида ўринли сўз юритишган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ўша йилларда «оммавий террор», «кичик геноцид» бўлгани ҳақида Гдлянинг ўзи СССР халқ депутатлари II съездида гапирган эди. Гдлян бошлиқ тергов гуруҳи фаолияти билан боғлиқ материалларни текшириш юзасидан СССР халқ депутатлари съезди комиссияси аъзоларининг таъкидлашича, «Ўзбекистонда тўғридан-тўғри ўзбошимчаликка, зўравонликка йўл қўйилган», «меҳнаткаш оилалар аёвсизларча қатағон қилинган, терисини шилиш даражасига етилган», «Халқ шаънига ўғри», «талончи», «порахўр» сингари сўзлар ишлатилди». «Ярим тунда ота ва онани ҳибсга олиш, гўдакларни чирқиратиб қўйиш ҳоллари бўлди. Кўпинча прокурорнинг розилигисиз гарданига ҳеч қандай айб қўйилмаган гуноҳсиз кишилар қамоқхоналарда ҳафталар, ойлар давомида сақланди». «Тергов гуруҳининг безбетларча таҳдиди, дағдағаси туфайли колхозчиларнинг шахсий жамғармаси тортиб олинган, қишлоқма-қишлоқ юриб «ўлпон» олишган, одамларни пул топиб беришга мажбур қилишган», «ҳибсга тушганларни дўппослашган, қийнашган, уларнинг хотинларини, бола-чақалари, қариндошлари, дўстлари, қўни-қўшниларини ноҳақ азоблашган». «Ўзбекистонни ғайриқонуний тергов ўтказиш усулларини синаш майдонига айлантиришган» (қаранг: «Тошкент ҳақиқати» рўзномаси, 1990 йил 3 февраль сони).

Биз ана шу воқеалар исботи тариқасида ўзимиз бевосита гувоҳи бўлган бир мисолни келтирмоқчимиз. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг собиқ раиси Н. Ж Худойбердиевни қамашгач, Гдлян бошлиқ жаллодлар пул ундириш мақсадида унинг оила аъзолари, қариндошларини тергов қилишга, қонунбузарлик билан тинтувлар ўтказишга зўр бердилар. Н. Худойбердиев уйидан, унинг қариндошлари хонадонларидан пул чиқмагач, улардан пул топиб беришни талаб қилиб, қанчаканча жабр-ситам ўтказишганини биламиз. Ҳатто Н. Худойбердиевнинг укаси Р. Худойбердиевни Москвага сўроққа чақириб, гўё акаси берган 100 минг сўмни қайтариб беришни талаб қилишган, акс ҳолда акаси ёнига қамаш билан қўрқитганлар. Сўроқ пайтида ўзларининг қабиҳ ниятига эриша олмагач, жабрланувчидан бир ҳафта ичида 100 минг сўм олиб келиб бераман, деган тилхат ёздириб олиб Ўзбекистонга жўнатганлар. Тўғри, улар умид қилган пулни олишолмади.

Ниҳоят, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди жиноят ҳолатлари бўлмаганлиги учун Н. Худойбердиневни батамом оқлаб ҳукм чиқарди. Адолат тикланди. Аммо орада қанча-қанча сарсон-саргардонлик бўлди, азоб-уқубатлар чекилди. Бундай мисоллар тўлиб-тошиб ётганлиги энди ҳаммага маълум.

Нега энди шунчалик ўзбошимчаликка, зўравонликка, қонунбузарликка йўл қўйилди? Юқорида тилга олинган комиссиянинг ҳамраиси Н. А. Струков ҳақ гапни айтди: «Гдлян гуруҳига кирган терговчилар содир этган жиддий **қонунбузарликнинг юздан бир қисмига ҳам (тагини ушбу мақола муаллифлари чизишган)** бошқа жойларда, дейлик на Россияда, на Украинада, на Белоруссияда йўл қўйишмасди... Бунақа ўзбошимчалик бирор ерда тўсқинликка учрамай қолмасди». Ҳа, бу даҳшат Ўзбекистонда тўла равишда содир бўлди, ҳеч қандай тўсқинликка учрамади. Нима учун? Балки марказ айбдордир ёки Гдлян гуруҳининг назоратсизлик вазиятида ишлагани сабабми? Халқимизнинг очиқ кўнгиллик, меҳмоннавозлик, сабр-тоқатлилик каби фазилатлари сабаб бўлдими? Бу омилларнинг таъсирини инкор қилмаган ҳолда, касофатнинг негизини, назаримда бошқа жойдан излаш керак. Н. А. Струков ўз сўзи билан шама қилаётганини фаҳмлаш қийин эмас-ку. Ҳа, гап ўша республиканинг бошида турган «арбоблар» ҳақида боряпти. Улар ўз халқини балогардонлардан ҳимоя қилиш (агар ҳимоя қилолмаса ундай раҳбарнинг халққа кераги борми?) ўрнига, бебошликнинг йўлини тўсиш ўрнига жаллодларнинг тегирмонига сув қуйиб туришган бўлса, буни қандай тушуниш, қандай баҳолаш керак? Улар балки қўрққандан таслимчилик йўлига киришгандир. Эҳтимол, улар ўзлари етакчи бўлган юрт аҳлининг қатағонликка учраганини, терисни шилинаётганини, ор-номуси ерга урилаётганини сезмагандирлар, ёхуд балки шундай бўлишни хоҳлагандирлар. Балки «Хиёнат» мақоласи муаллифлари қайд этганларидек, бу ишлар уларнинг раҳбарлиги остида бўлгандир. Энди бу ўша собиқларнинг виждонига ҳавола.

Минг шукурлар бўлсинки, ўша кунлар ортда қолди, республика раҳбариятига ўз халқининг ор-номуси, иззат-нафси учун кураша оладиган, ўз юртининг шон-шуҳратини баланд кўтара олишга қодир бўлган етакчи кўтарилди. Иш ўзбошимчалик, зўравонлик ва қонунбузарликка чек қўйишдан, адолатни тиклашдан бошланди. Айбсиз, гуноҳсиз жабрланиб, ҳақоратланганлар оқланди, оилалари ва жамиятда ўз ўрнини топдилар.

Бугунги кунда жонажон Ўзбекистонимиз мустақил давлатдир. Унинг мустақиллигини бутун дунё тан олди, жаҳон ҳамжамаяти, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ўзининг бой тарихи ва маданиятига эга бўлган яна бир давлат билан бойиди. Республикамиз Президенти И. Каримов халқ манфаатини кўзлаб мустақил, қатъий ички ва ташқи сиёсат юритмоқда. Аминмизки, бу ишлари тарих муносиб равишда баҳолайди, ўз саҳифаларидан ўчмас ўрин беради.

Гап эртанги кунимиз ҳақида борадиган бўлса, асосий вазифа Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллитини мустаҳкамлашдан иборатдир. Бу — осон иш эмас.

Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш, илғор бой давлатлар даражасига кўтарилиши учун бирлашиб ишлайлик, «бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган халқ мақолини унутмайлик.

Қ. УСМОНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

А. МАШАРИПОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

М. МИРЗАЕВ,
тарих фанлари номзоди.

Биз, қалам соҳибларининг ҳуқуқий билимлари саёзлиги сир эмас. Халқ энг зукко одамлар, деб тан олган биз журналистларда аҳвол шу бўлгач, оддий халқнинг бу борадаги билим савияси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Шунинг учун Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқшунос журналистлар уюшмаси таъсис мажлисида сўз олган қалам соҳиблари таъкидлашдики, қонунни яхши билмаганимиз учун ҳатто ўзимизни муҳофаза қилишга баъзан ожизмиз. Биз жойларда бўлганимизда ҳатто маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг, олий ва қуйи кенгашлар ноибларининг ҳам ҳуқуқий билимлари юзаки эканлигининг гувоҳи бўламиз, бу тоифадаги ҳоким ва ноиблар ўзлари яхши тушунмаганларидан кейин сохта «ишбилармон»лардан, тижоратчи, ниқобидаги олибсотар ва чайқовчилардан, турли-туман воситачилардан қандай қилиб одамларни, уларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қила олишади?

УЮШМА ИШ БОШЛАДИ

Энг аввало, рўзнома ва ойномалар, радио ва телевидениенинг ҳуқуқшунос журналистлари ҳуқуқий билимлар билан мукаммал қуролланишлари зарур. Негаки, қонун билан халқ оммаси ўртасидаги ҳуқуқий кўприк аслида уларнинг ўзларидир.

Ўзбекистон Адлия давлат институтининг проректори И. Коракетов шу фикрни кенгайтириб бундай деди:

— Ҳозирги МДҲ жумҳуриятларида жами тўртта адлия институтлари мавжуд. Шулар орасида илмий кучларнинг бақувватлиги, моддий-техникавий базамизнинг анча мукаммаллиги жиҳатидан бизнинг институтимиз етакчи ўринни эгаллаб турибди. Биз Америка, Франция, Германия ва бошқа бир қатор давлатларнинг олий билим масканлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Ҳозир жумҳуриятимиздан анчагина ёшлар ўша мамлакатларда ҳуқуқий таълим олишаяпти. Чет эллардаги ҳамюртларимиз ҳам ўз ташаббуслари билан кўпгина толиби илмларни хорижда ўқишига кўмаклашмоқдалар. Айни пайтда 10 нафар талаба магистратурага, 11 нафари бакалаврликка ўқиш учун Туркияга жўнаб кетишаяпти. Институтимизда ўқиш-ўқитиш ишлари даражаси ҳам кескин яхшиланди. Даргоҳимиз ҳуқуқшунос журналистлар малакасини оширишда ҳам беминнат ёрдам бериш қодир. Назаримда раҳбарларнинг ҳуқуқий билим даражасини оширишга киришиш — ҳуқуқий давлат мақомини яратиш йўлидаги шаҳдам қадамлардан бири бўлса ажаб эмас.

Йиғилишда уюшма Низомини ишлаб чиқиш юзасидан уч кишидан иборат ҳайъат тузилди. Шунингдек, уюшманинг ҳар бир аъзосига ҳуқуқий ҳужжатлар билан бемалол танишиш, барча маълумий идораларга эркин мурожаат қилиш ҳуқуқини берадиган гувоҳномалар берилиши ҳақида келишиб олинди.

Адлия вазирининг биринчи муовини М. Абдусаломов уюшма раиси, тарғибот бўлими мудири М. Ниёзов котиби қилиб тасдиқланди.

А. НУРИМОВ.

Қарши районидаги «Ленин йўли» давлат хўжалигининг иккинчи бўлимида ниҳол қатор ораларига ишлов бериш, суғориш ишлари намунали олиб борилаётир. Шу сабабдан ғўза ривожи яхши. Бўлим пахтакорлари 540 гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти. Уларнинг мўлжали гектаридан 27 центнердан ҳосил олиш.

СУРАТДА: (чапдан) илғор сувчи Исмоил Мавлонов ва бўлим бошлиғи Мизроп Қиличевлар.

Б. ИСМОИЛОВ суратга олган.

ЯНГИ АКАДЕМИЯ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида янги жамоат ташкилоти — Ўзбекистон Республикаси Геология фанлари академияси расмий рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома топширилди.

Ўша кундан эътиборан республикада янги фан маркази ўз фаолиятини бошлади. Академиянинг иш дастурида ҳозирги кундаги геологик муаммоларни ҳал қилиш, қидирув ва инженерлик геологияси ва бойликларни муҳофаза қилиш, ундан унумли фойдаланиш масалалари ўз аксини топган.

Геология фанининг бош йўналишлари бўйича фундаменталь ва амалий изланишларни ривожлантириш, республикамиз ва хориждаги турли илмий ташкилотлар, мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш — академия иш фаолиятининг узвий бир қисмидир.

Республикада геология соҳасида фаолият кўрсатаётган етакчи олимлар, мутахассислар иш тажрибасидан унумли фойдаланиш, ёш кадрлардан юқори малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш, геология соҳасида эришилган ютуқларни ҳаётга татбиқ қилиш, уларни кенг оммалаштириш, турли қўлланмалар, адабиётлар тайёрлаш кўзда тутилган.

Геоэкологик изланишларни амалга ошириш, шаҳарлар, йирик саноат марказлари геоэкологик муҳитини муҳофаза қилиш ва яхшилаш режаларини ишлаб чиқиш академия иш фаолиятида марказий ўринларда туради.

Ўзбекистон Республикаси Геология фанлари академияси Президенти лавозимига геология-минералогия фанлари доктори Абдували Худойберганов сайланди.

Салоҳиддин АБДУРАҲМОНОВ,
академия бош илмий котиби, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

ОЛТИНСОЙНИНГ ОЛТИН ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон ўзининг миллий мустақиллигини эълон қилган ҳозирги даврда Сурхондарё ва унинг маркази ўз қадимги мавқеини қайта тиклаш билан бирга ҳур ўлканинг фаровонлашиши — иқтисодий ва маданий юксалишида муҳим вазифани адо этиши зарур. Зеро, бу воҳа жумҳуриятимизнинг хорижий оламга очилган дарвозасигина эмас, балки мўътадил иқлими билан ингичка толали пахтадан тортиб, субтропик ўсимликларга қадар қарийб барча қишлоқ хўжалик маданияти бўйича мўл ҳосил берувчи саҳий замин ҳам.

Бизнинг сафаримиз ана шу воҳанинг Денов шаҳридан бошланиб, Сариосиё тайёрагоҳи билан тугади. Ўртада Олтинсой бўйлаб чўзилган мевазор боғлару ингичка толали пахта майдонлари оша ўтган яшил йўл қолди. Ушбу сафарнома ана шу йўлдаги учрашувлар, таассуротлар ҳақида.

УМИД ЮЛДУЗИ

ЭРТАЛАБ қуёш чиққан пайт тоғлар нақадар гўзал, нақадар нашъали, нақадар ажойиб ва улуғвор! Олтинсойчи? Қуёш чиқиши биланоқ Олтинсой нур билан ясаниб, тенги йўқ чирой касб этади. Майсалар юзини ўпиб ётган қировлар бир зумда кўм-кўк, қип-қизил, бинафшаранг бўлиб чақнайди. Саҳар салқинида мудраган чучмомалар, лолалар турли-туман чечаклар ўзларига зеб бериб, табассум қиладилар. Эндигина гулга кирган наъматак эса шабнам сувларида ювиниб, келинчаклар мисоли ясаниб, ўзига зеб беради...».

Олтинсой туманига кириб борар экансиз, «Ғолиблар» романидаги ана шу манзара беихтиёр хотирага келади.

Бугун маҳаллий аҳоли томонидан номи ифтихор билан тилга олинаётган сой бир пайтлар Тентаксой деб аталар эди. Ўша пайтда ҳар икки баҳайбат соҳилни тўлдириб оққан сой, айниқса, кўклам ойларида тошиб, қанчадан-қанча уйларни, экин майдонларини олиб кетган. Бора-бора тоғдан, қалин қор қатламларидан эриб келаётган сув озайиб борган. Бир пайтлар ҳали жиловланмаган, устига эса эгар тегмаган тойдек эрка бўлган дарё секин-аста мулойимлашиб қолган. Ўша кезларда Сурхондарё воҳасига ташриф буюрган Шароф Рашидов Тентаксой бўйларида бўлиб, унинг колхоз ва совхоз, жамоа ва давлат хўжалиги ишчилари жонига оро кираётганини кўриб «Йўқ, бу сойни Тентаксой эмас, Олтинсой деб атанг. Бу сойнинг ҳар бир қатраси олтинга тенг», деган. Шу-шу халқ Керага тоғларидан жўшиб, кўпириб тошдан-тошга урилиб, сакраб, юмалаб келаётган сойни Олтинсой деб атай бошлади.

Шароф Рашидовнинг ўзи эса уни «Ғолиблар» романида Ойқиз ўсган юртнинг кумуш камари сифатида тасвирлаб, Олтинсой номини минглаб китобхонлар қалбига олиб кирди.

Олтинсой бўйларида юриб, ўнлаб, юзлаб асл инсонларни кўриб, улар қўли билан обод бўлаётган боғлар ва пахта далаларига разм солиб, азиз диёримизнинг эртасига умид кўзи билан қарайсан киши.

Шундай хаёллар билан кетаётганимизда Олтинсой устида дастлабки юлдузлар пайдо бўла бошлади. Бироздан сўнг Олтинсой осмони порлоқ юлдузлар билан тўлди. Шу юлдузлар орасида Умид юлдузи ҳам бор эди, албатта.

МУҚАДДАС РУҲ

ОЛТИНСОЙ ёқалаб шимолга, ҳали кўксидаги қор уюмлари зилол томчиларга айланмаган Керага тоғи тизмалари сари йўл олар экансиз, ложувард тоғ ҳавосидан баданингиздаги ҳар бир ҳужайра яйраб кетади. Машина тобора юқорига кўтарилиши билан йўл ҳам илон изи шаклини олади. Сўл томонингиздаги сой тобора пастлашиб, ўнг биқинингиздаги яшил тепалик худди Керага бобо билан учрашувга ошиққан эварадек бурма сўқмоқлар билан юқорига интилади. Ҳар икки ёқдаги яшил ўт-ўланлар кўнглида азиз-авлиёларга ихлоси тошиб ётган зиёратчиларни кекса тоғ этакларида жойлашган Ваҳшивор қишлоғига олиб боради.

Ваҳшивор ўнлаб ва юзлаб зиёратчиларни муаттар тоғ ўсимликлари, тошқин сувлар ва кумуш чўққилар билан ўпишган мовий булутларнинг дўстона суҳбатидан ҳосил бўлган ажойиб ҳавоси ва манзараси биланнияти ва ахлоқи руҳида тарбиялашга, шу эзгу мақсад йўлида ижод қилишга киришди.

Сўфи Оллоёр сингари сиймолар халқни гуноҳли ишлардан қочишга, куфур ва куфрон йўлига кирган кишиларни ярамас одатлардан фориғ бўлишга, жисмоний ўлимдан кейин ҳам абадий ҳаёт борлигини, тирик чоғида савоб орттирган кишилар жаннатда роҳат ва фароғатда, гуноҳ орттирган кимсалар эса дўзахда ва азобу-уқубатда яшашларини улар онгига сингдиришга уринган эдилар. Бу эл-юртни покликда сақлаш учун донолик ва тадбиркорлик билан олиб борилган фаолият эди. Афсуслар бўлсинким, социалистик тузум Сўфи Оллоёр сингари ўзбек маърифати ва маданияти булоқларининг кўзини ўйиб, эл-юртни тарихнинг боши берк кўчасига олиб кирди. Сўфи Оллоёр сингари халқнинг валломат фарзандлари юзига эса шу кунга қадар қора суртиб келди. Акс ҳолда ўтган, жилла қурса шу йили туркий олам ўзининг улуғ сиймоларидан бирининг 375 йиллигини муносиб нишонлаган бўларди.

«Ўзбек адабиёти тарихи»нинг беш жилдлик нашрида Сўфи Оллоёр тўғрисида бундай сўзларни ўқиймиз: «Шайхлик мартабасига эришгач, мурид овлайди, божбонлик маҳкамасида амалдорлик қилади, уч хотинга уйланади, кўпинча форсча-тожикча, баъзи ҳолларда ўзбекча бошдан-оёқ хурофий байтлар тўқиб, оддий халойиқни ваҳимага солади, уларни ҳукмдорларнинг топшириқларини сўзсиз ижро этишга ундайди.

Кел, эй банда,
ўзингни сол худоға,
Қазоға рози бўл,
сабр эт балоға.

Кўрдингизми, дастлаб форсча, кейин эса «туркий ёронлар» илтимосига кўра ўзбекчага ўгириб, «Сабот ул-ожизин» деб ном қўйган китобидан келтирганимиз ушбу байт Сўфи Оллоёр ижодининг халқни асоратда тутиб қолиш йўлидаги «ижодкор»лигининг ёрқин намунасидир.

Сўфи Оллоёр коммунист «ҳукмдорларнинг топшириқларини сўзсиз ижро этиб» келган олимлар томонидан шундай баҳоланган:

Машҳур сиймо, туғилиб ўсган заминидан ўз ғояларини тарғиб ва ташвиқ этувчи муридларни қолдиргач, қишлоқма-қишлоқ юриб, ислом таълимотига асосланган ақидаларини кенг халқ оммасига етказишга уринган. Ниҳоят, фалакнинг гардиши билан ана шу Ваҳшивор қишлоғига келиб, «лангар» ташлаган.

Ҳоким, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Тошпўлат Абдураҳмонов бизни Олтинсой кўчаларидан олиб юрар экан, ямяшил дарахтлар шовуллаб турган йўл чеккаларини кўрсатиб, «Мен шу давлат хўжалигига директор бўлиб тайинланганимда бу уйлар ва бу дарахтларнинг биронтаси йўқ эди», — дейди. Биз ҳокимнинг бундай сўзларини кўп бор эшитганимиз учун унинг Ваҳшивор тўғрисида берган маълумоти ҳам ҳақиқатга яқин бўлиб туюлади: «Ҳазрат бу жойларга келганида, — дейди у, — теварак-атроф ваҳший қоялардан иборат бўлиб, унда одамлар ҳали уйжой қурмаган, қишлоқдан эса ҳали асар ҳам йўқ экан. Тошлоқ ва чакалакзорлардан ташкил топган бу ерда илонлар макон қурган бўлиб, уни одамлар ҳозиргидек Ваҳшивор эмас, балки Ваҳшиймор — ваҳший илонлар макони, деб атар экан. Ҳазрат қадами етганидан сўнг илон-чаёнлар бу ерни тарк этибди. Сўфи Оллоёр шу ернинг ўзига сўнгги манзил танлаб, шу ерда палак ёзибди.

Сўфи Оллоёрдан бу ерда бир ўғил ва бир қиз туғилган экан. Ана шу қиздан давом этаётган авлод ҳозир қишлоқ бўйлаб шох ва шоҳобчалар отиб, олис илдизда мавжуд бўлган ҳаёт нафасини замондошларига етказиб турибди.

Мозоротга кираверишдан бошлаб то шоир абадий уйқуда ётган хилватга боргунингизга қадар унинг мўътабар сўзлари ранго-ранг лавҳалардан жаранглаб эшитилиб туради:

Кел, эй инсон, агар
бўлсанг чин эрдек
Оғирлик пеша қил
дунёга ердек.
Агар-чи олама сендин
тегар наф,
Узунгдан қилма
туфроғ олтини раф.
Отанг эрдур, санам эрдек
қилиқ қил,
Ямонлиқ айлаганга
яхшилик қил.
Оёқ остинда қолдим,
деб дема «вой»,
Бўлур чин коса кўп
тепку еса лой.
Кел, эй комил, камол
этсанг диёнат,
Кишига қилмагил
ҳаргиз хиёнат.

Бу сўзлар бугун ёш авлод учун ҳам, ёши муборак фаслга назар ташлаган кишилар учун ҳам ҳикмат мактаби, таълим ва тарбия бўлиб қолиши лозим.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

ХОЗИР халқ билан ишлаш оғир бўлиб қолди. Лекин улар билан бирга бўлмасанг, улар орасида юрмасанг, дардини тингламасанг ундан ҳам қийин...

Район ҳокими Тошпўлат Абдураҳмоновнинг бу сўзларида жон бор. Ҳақиқатан ҳам у 8-синфни битирибоқ меҳнат қилишга ошиқди. Механизаторлар тайёрлаш курсида ўқиди, шу соҳада ишлади. Ўнинчи синфни битирди. Жамоа хўжалигида турли лавозимларда ишлаб, иқтисодни ўрганди. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт факультетини битирди. Жамоа ва давлат хўжаликларида партия ташкилотининг котиби, раис, директор бўлиб ишлади.

Ҳокимнинг сўзи билан иш бирлигини қисқа муддатдаги ўзгаришларда кўриш мумкин. Районда вино, майиз заводлари, тўрт жойда вино пункти ва майиз қуритиш цехи ишга туширилди. Кичик корхоналар қурилишига эътибор берилаётир. Бугунги кунда 48 та ана шундай корхона, 20 та тегирмон, 20 дан ортиқ мойжувоз ишлаб турибди. Италия асбоб-ускуналари билан жиҳозланган корхонада эса районнинг асосий хом ашёси — майиз, карам, сабзи қуритилмоқда.

Олтинсойнинг ўзига хос муаммолари ҳам йўқ эмас. Жумладан, район ташкил топган даврда 59 минг аҳоли истиқомат қилар эди. Бугун уларнинг сони 91 мингдан ортиб кетди. Бу ўз-ўзидан маълумки, ишсизликни келтириб чиқармоқда. Янги ерлар ўзлаштирилиб, боғ-роғлар кўпайтириляпти. Санкт-Петербург, Челябинск, Пермь, Кемероводан мол айирбошлаш йўли билан қурилиш материаллари олиниб келиняпти. Бу якка тартибда уй қураётган деҳқонлар учун қулайлик туғдирмоқда.

Тошпўлат ака яна бир муҳим муаммони тилга олди. Бу ҳам бўлса ҳамма мулкни тез орада хусусийлаштириш зарур. Шунинг учун бу ерда фермер хўжалиги ривожлантириляпти. Айрим хўжалик раҳбарлари бунга кескин қарши чиқишлари мумкин. Нега қарши эканлигини ўзлари ҳам билишмайди. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топиши керак. Кўпчилик раҳбарликка ошиқади-ю, ерга ишлашга келганда ўзларини панага уришади.

Фермер хўжалигининг афзаллигини Абдурауф Абраев мисолида кўриш мумкин. У 32 йил бригада бошлиғи бўлиб ишлаган. Абдурауф жамоа хўжалиги молини ижарага олди. Ҳамма иш шартнома асосида бормоқда. Ҳозир унинг 24 гектар ери бор. Фермер хўжалиги 84 та қорамол, 800 дан ортиқ қўй, олтита от эчкини парваришлаяпти. У жамоа хўжалигининг 140 тонна гўшт топшириш режасини ўз бўйнига олган.

Мустақиллик байрами арафасида бир район аҳли қўлга киритаётган ютуқлардан ғурурланмай бўладими? Қора денгизни эслатувчи сув омборлари, булутларга чирмашиб кетган чўққилар, ям-яшил арчалар, ер бағирлаб ҳосилга кирган узумлар, сархил мевалар...

Бу неъматларни бағри кенг, саховатли одамлар етиштиришяпти.

Олтинсойликлар ана шундай танти ва мурувватли...

Наим КАРИМОВ.
Мирза КАРИМ.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

ЖИЗЗАХ (ўз мухбиримиздан). Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Унда «Вилоят табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни янада яхшилаш чоралари ҳақида», «Вилоят кенгашининг Қурилиш, қурилиш ашёлари саноати, уй-жой, коммунал-йўл хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг ҳисоботи» каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Сессия кун тартибидаги «Вилоят табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни янада яхшилаш чоралари» ҳақидаги масала юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси А. Ш. Ҳабибуллаев қатнашди.

Сессияда вилоят ҳокими Э. Турсунов нутқ сўзлади. Сессия муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

• Муштарий хабарларидан

● АНЪАНА

АЛЛАДАН БОШЛАНАР БАРИ

● НИЗОМИЙ номли Тошкент давлат педагогика институти ректори ташаббуси билан «Ҳаёт — она алласидан бошланади» деган саҳна спектаклларн кўрик-танлови ўтказилди.

Танловни институтнинг нафис графика факультети бадиий ҳаваскорлари бошлаб беришди. Биринчи саҳна кўринишида вафодор йигит ва қиз тимсолида ёшлар турмушидан лавҳалар ижро этилди. Халқимиз урф-одатлари, анъаналарига хос совчиларнинг чиқишлари ҳам маҳорат билан ижро этилди.

Никоҳ базми «Танавор», «Дугоҳ» каби классик қўшиқлари билан уйғунлашди. Икки ёшнинг фарзанд кўриб, аллани жўшиб айтиши айниқса, таъсирли бўлди. Чақалоқларга исм қўйиш ва бешик тўйи, бешикка солиш саҳналарига ҳам ёшлар пухта ҳозирлик кўришгани кўзга ташланди. Томошанинг охирида танлов комиссиялари ролларни ижро этган талабалар маҳоратини баҳоладилар.

Абдулла РАҲИМОВ.

● САВОБЛИ ИШЛАР

«МУРУВВАТ»—ЭЛ ХИЗМАТИДА

● СИЕБ районидаги «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси жамоаси савобли ишлар билан эътибор қозонмоқда.

Мазкур ташкилотнинг раиси З. Султоновнинг саъй-ҳаракати билан Регистон майдонида олижаноб мақсадларга мўлжалланган «Мурувват» дўкони ишга туширилди. Бу ерда «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги шартномага кўра арзонлаштирилган нархда моллар олиб, муҳтожларга сотилади. Бундай шартномалар «Меҳнат», «Тўқимачилик ва галантерея», «Трикотаж» фабрикалари ва бошқа корхоналар билан тузилган. Моллар 15—20 фоиз арзон нархларда «Мурувват»га етказиб берилмоқда.

Шунингдек, ўзига тўқ оилалар дўконга яп-янги, гоҳида оҳори тўкилмаган кийимларни беғараз топширмоқдалар.

Абдурайим ҚИЛИЧЕВ.

● ИШБИЛАРМОНЛИК

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

● ЎРТА ОСИЁ темир йўлининг Ховос бўлимига қарашли барча бўлинмалар маъмурияти билан ХДП Ховос ҳудудий-тармоқ кенгаши ҳамкорликда иш кўриб, муаммоларни бартараф этишга уринмоқдалар.

Ҳозирги шароитдаги ишсизлик — ишчи-хизматчиларни қисқартиш оқибатида темирйўлчилар ноқулай аҳволга тушиб қолаёзишди. Бунинг чораси топилди. Асосий оғирлик ХДП аъзолари зиммасига тушганди. Аммо темир йўл бўлинмаларининг барчасида яроқсиз деталларни таъмирлаш қичик корхоналари, шунингдек, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи ширкатлар очиб, ташкилотчилик кўрсатилди.

Ҳамкорлик давом этди. Вагон депоси бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан мол айрибошлаш асосида ишчи-хизматчиларга амалдаги чакана баҳодан арзон нархда 2,5 тонна сариёғ сотилди. Депо жамоасидаги партия аъзолари ҳам ҳамкасбларига ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Депо қошидаги ёрдамчи хўжаликдан келтирилаётган гўшт темирйўлчиларга арзон нархда тарқатилмоқда. Ишчи-хизматчилар бундан мамнун.

Ортиқ СУЛТОНОВ.

● МАМНУНИЯТ

ФАХРИЙЛАРНИ АРДОҚЛАБ

● ЎЗБЕКИСТОН кўзи ожизлар жамияти Бухоро ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти жамоатчи ташкилотлар билан ҳамкорликда корхонада узоқ йиллар ҳалол ва самарали ишлаган, ёшлари 55 дан ошган хотин-қизлар, 60 ёшга етган эркаклардан иборат 30 дан ортиқ кишини тантанали равишда қарилик нафақасига кузатиб қўйишди.

Корхона жамоаси иштирокида пулсиз тушлик зиёфат ташкил этилиб, қарилик нафақасига кузатилаётган фахрийларнинг шаънига илиқ ва самимий сўзлар айтилди. Корхона ишчиларининг маиший шароитларини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан ҳар бир нафақахўрга бир йўла беш юз сўмдан мукофот пуллари берилди. Корхона директори ўрток П. К. Абдуллаев мукофот пулларини уларга топширар экан, ҳар бир фахрийга кўп йиллик шарафли меҳнатлари учун ташаккур изҳор қилиб, уларга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бардамлик тилади. Ўз навбатида фахрийлар ҳам камтарона меҳнатларига берилган юксак баҳо ва катта эътибор учун миннатдорчилик билдирдилар.

Акбар ҲАЙДАРОВ,

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

● МУСТАҚИЛ Ўзбекистоннинг мовий-яшил байроғи ҳилпираб турибди. Мустамлака сиртмоғидан холос бўлган халқимиз ўзлигини англаб, кўксига шамол текканидан ғурурланиб, мустақилликни мустаҳкамлашга, озодлик байрамининг йиллигига меҳнатда муносиб туҳфа ҳозирлаш орзусида. Мамлакатимизда юз бераётган ҳар қандай янгиликни газетхонлар зўр қизиқиш билан кутмоқдалар ва жойларда юз бераётган воқеаларни кузатиб боришга, бундан бошқаларни ҳам бохабар этиш учун ёзиб юборишга ошиқмоқдалар. Газетамизга йўлланган хат-хабарлар шундан далолат бериб турибди.

Уруш ва меҳнат фахрийси, тошкентлик Роза Новарасли истиқлолни асраш ва мустаҳкамлаш учун ҳалол, пок бўлиш, уддабуронлик билан ғайрат кўрсатиш, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, Президентимизга камарбаста бўлишликка даъват этади. Андижонлик Муҳиддин Ҳакимов ХДП Асака шаҳар кенгаши ва «Олтин водий» биржаси ташаббуси билан фахрийлар иззати ўрнига қўйилганини ёзади. «Қадриятларимиз тикланмоқда, — деб хабар қиладилар Избоскандан Ў. Юсупова билан Д. Расулов — «Алпомалар ҳиёбони» очилиб, Амир Темур, Улуғбек, Беҳзод, Навоий, Бобур, Хоразмий, Беруний ва Ибн Синоларнинг ҳайкаллари ўрнатилди». Жиззахлик Имомқул Бердиев, Пахтачидан Бахриддин Шамсиев, Андижондан Мамадали Абдуллаевлар ўзлари яшаб турган шаҳар-қишлоқда инқилобий номлар ўзгараётганидан мамнуният билдирадилар.

Аскарнинг дил сўзлари эътиборга лойиқ. Чунончи, Екатеринбургдан хат йўллаган Анвар Эгамбердиев биргаликда ҳарбий хизматни ўтаётган дўстлари сўзини қувватлаб, «Комсомольская правда», «Известия» газеталарида Ўзбекистон мустақиллигига рахна солувчи мақолалар босилаётганига эътироз билдиради.

Шунингдек, қўнғиротлик Фурқат Ражабов, Самарқанд районидан Абдужабборов, фарғоналик Т. Шокиров, Сурхондарёдан Фазлиддин Назаровлар истиқлол шарофати билан аскарликка чақирилган йигитларга яратилаётган қулайликлардан мамнуният билдирадилар. Йошкар-Ола, ва Архангельский шаҳарларидан хат йўллаган бир гуруҳ аскарлар ўз хизматларини буюк ўзгариш ва янгиланишлар даврига тўғри келиб қолгани, бундан буён армияга чақирилувчиларга осон бўлиши хусусида ёзишган.

Хатларни кўздан кечирар эканмиз янгилик, хабар воқеаларга газетхонларда қизиқиш катталиги намоён бўлади. Демак одамлар кўрган, билган, эшитганларини хатга жойлаб, севимли газеталарига йўллашни, хам ўзларини, ҳам ўзгаларни қувонтиришга интиладилар. Ниятингиз йўлдош бўлсин, азиз газетхонлар!

АХБОРОТ, ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ВА СПОРТ БЎЛИМИ.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ БОШ МАЙДОНИ

У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК!

● Рўзномангизда чоп этилган шаҳар бир гуруҳ меъморларининг Тошкентнинг бош майдонида катта жомеъ масжиди қуриш таклифини ўқиб, жуда мамнун бўлдим.

Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан республикамиз раҳбарияти бош майдонга давлат миқёсидаги катта жомеъ масжиди қуриш тўғрисида қарор чиқарса ёмон бўлмасди. Биз узоқ йиллар давомида турли-туман монумент ва ҳайкалларга беҳуда маблағ сарфлаб келдик. Энди ҳақиқатни тан олиш вақти етди. Нима кераги бор ўша жонсиз бетон монументларни?

Барча мусулмон давлатларнинг эътиборга молик масжидлари бор. Туркиянинг «Оқмачит», Малайзиянинг «Истиқлол» каби масжидлари бунга мисол бўла олади. Алҳамдулилло биз ҳам мусулмонмиз. Лекин, мусулмон давлатларидан келаётган нуфузли делегация ва меҳмонларнинг ибодат қилишлари учун бирор тузукроқ масжидимиз йўқ. Бундай масжиднинг бўлишлиги ўзимизнинг ҳам фахримиз.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Кенгаш сессиясида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов: «Биз динни ривожлантиришимиз керак. Дин ёшларни ахлоқли ва имонли қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга», — деб жуда тўғри таъкидлади. Биз ҳам шу фикрдамиз. Олийгоҳимизда кейинги пайтларда талаба-ёшларнинг ахлоқ-одоби тубдан яхшиланиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири диннинг таъсиридир.

Биз етмиш йилдан ортиқ вақт ичида ўзлигимизни унутаёздик. Энди мустақил эканмиз, давлатимиз тараққиётини ўйловчи ҳалол ва диёнатли кадрларни етиштириб бермоқлик ҳар бир Олийгоҳ домла-устозларининг олдидаги биринчи галдаги вазифаси бўлиб турибди. Шаҳар бош майдонида кўркам ва ҳашаматли жомеъ масжиди қад кўтарса, халқнинг дилидаги иш бўлар эди.

Ж. ХУЖАЕВ,
Тошкент темирйўллар олийбилимгоҳи кафедраси мудири, профессор.

* * *

Кимки худодан қўрқмаса ундан ҳамма разилликни кутиш мумкин. Биз шаҳар бош майдонида катта жомеъ масжиди қурилишининг тарафдоримиз. Токи, имонли ва эътиқодли инсонлар кўпайсин.

Б. РАҲИМОВ,
Тошкент «Илғор» фабрикасининг ишлаб чиқариш цехи бошлиғи, жами 12 имзо.

* * *

● Худога шукр, бизнинг дилимиздаги гапни бир гуруҳ меъморлар рўзнома орқали билдиришибди. Ҳақиқатан ҳам энди бизга темир-бетон монументларнинг кераги йўқ. Одамларни тўғриликка, инсофли ва адолатли бўлишликка чақирувчи, маърифат маскани бўлган масжид керак.

Биз бор масжидларни ҳам бузиб ташладик. Энди ўзимизни оқлаб, ҳеч бўлмаса бирорта каттароқ масжид қурсак, дейман. Ўша масжид Мустақиллик майдонида қад кўтарса, Халқ баҳоли қудрат ўз ёрдамини бу хайрли ишдан аямайди. Агар бирор банкда ҳисоб рақами очилса, мен минг сўм ўтказишга тайёрман.

Т. ЖЎРАЕВ,
Зангиота район санитария-эпидемиология станцияси етакчи мутахассиси.

• СПОРТ

ЮТУҚЛАРИМИЗ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА

● ИСТИҚЛОЛ шабадаси эсиб турган, мустақиллик байроғи ҳилпираётган серқуёш диёримиз спортчиларининг энг саралари олимпиадага йўл олишган.

Улар учун ўзига хос икки имтиҳон турибди. Биринчиси, жаҳон спортчиларининг халқаро анжумани—олимпиада мусобақаларида маҳорат кўрсатиб, ғолиблик супасини кўзлаш. Иккинчиси, мустақил Ўзбекистон номидан халқаро майдонда куч синашиб, ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлиб, мутасадди-мутахассислар ишончини оқлаш ва республикамиз мухлисларини қувонтиришдан иборат. Боиси олимпиада баҳслари тантанали якунлангандан кейин орадан кўп ўтмай Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллиги катта байрам қилинади. Шунинг учун ҳам спортчиларимиз ўзларининг бутун маҳоратларини ишга солиб, ғалабаларини ана шу байрамга бағишлашни мўлжаллашмоқда.

Олимпиада мусобақаларида йигит-қизларимиз спортнинг 8 тури бўйича куч синашадилар. Биз моҳир оғир атлетикачи, нукуслик жаҳон чемпиони Сергей Сирцовга катта умид боғлаганмиз. У олимпиадаолди мавсумини яхши ўтказди. МДҲ чемпионати ва халқаро мусобақаларда икки кураш бўйича 405—410 килограммли натижага эришиб, совринли ўринларни эгаллади. Чапдаст чарм қўлқоп устаси Артур Григорян ҳам ғолибликка даъвогарлардан саналади. У жаҳон чемпионатининг совриндори; мамлакат кубогининг соҳибидир. Бу йилги мавсумда МДҲ — АҚШ халқаро учрашувида биринчи ўринни эгаллаб, мутахассислар эътиборини қозонган.

Маълумки, ҳар қандай йирик мусобақаларда енгил атлетикачиларга кўпроқ вақт ва ўрин берилади. Барселонада республикамиздан беш нафар енгил атлетикачи қатнашади. Найза улоқтириш усталари Виктор Зайцев билан Елена Свеженцова, тўсиқлар оша югуриш бўйича Сергей Усов, 400 метрга югуришда довруғ таратган Марина Шмонина ва кўпкурашчи Рамил Ғаниевларга оқ йўл тилаб қоламиз.

Ўзбекистонда спортнинг чим хоккей турига Андижонда асос солинган. Олимпиадага ҳам андижонлик йигитлардан Александр Красноярцев, Игорь Муллажонов, Александр Домашевлар йўл олишган. Ўйлаймизки, улар чавгон ўйинатишни ўрнига қўядилар. Булардан ташқари қайиқ ҳайдовчи Анатолий Тюрин билан Иван Киреев, мерган Анатолий Асрабоев, гимнастикачилар Оксана Чусавитина билан Розалия Галиевалар ҳам маҳоратларини танобига етказиб, сафарга кетишган. Спортчиларимиз йирик мусобақада Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қиладилар, деб ишонамиз.

Т. ИСКАНДАРОВ,
республика спорт комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими бошлиғи.

ТОШКЕНТГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

● ЖАҲОН спортчиларининг йирик анжумани — олимпиада мусобақалари бошланди. Спорт байрами — Барселония олимпиадасининг тантанали очилиш маросимини қариб 3,5 миллиард киши ойнаи жаҳон орқали томоша қилди. Тўрт қиндирки, олимпиада машъаласи ловуллаб, байроғи ҳилпираб турибди.

Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч кўп қаватли меҳмонхонадан ўзига қарорғоҳ топган. 17-қаватда жойлашган бу масканга тошкентликлар ҳам қадам ранжида қилишди. Икки мингинчи йилда олимпиада ўтказишга даъвогар бўлиб турган Тошкентни ана шундай улуғвор ва хайрли ишга талабгор эканлигини асослаш ва унга ҳозирлик кўриш бўйича мутахассис - муттасаддилардан У. Эштоев, Б. Қаюмов, А. Исаев, С. Рўзиевлар Халқаро олимпиада қўмитасининг президенти билан учрашдилар. Президент Тошкентни олимпиада ўтказишга даъвогар эканидан мамнуният изҳор этди: «Ҳозирданоқ Тошкентда олимпиада стадионларини кўриш эмас, балки шаҳарда яқин келажакда амалга ошириладиган йирик бунёдкорлик ишларга ишонч ҳосил қилишда», деган фикрни билдирди. Шунингдек, халқаро спорт журналистлари уюшмасининг биринчи вице-президенти Тагай Баятли ҳам Истанбулдан Тошкентга келишни мўлжалламоқда. Мақсад Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари спорт журналистларини мазкур уюшмага аъзоликка қабул қилишга тайёрлаштан иборат.

Олимпиада эса одимламоқда. Дастлабки рекордлар ва ғолиблар ҳам маълум бўлди. Чунончи МДҲ терма жамоасининг вакили Евгений Садовий 200 метрга эркин усулда сузиш бўйича олимпиада чемпиони бўлди. Константин Лукашин эса тўппончадан нишонга олишни ўрнига қўйиб, ғолиблик супасига кўтарилди. Ўзбекистонлик спортчилар эса бугун-эрта дастлабки учрашув ва куч синашувларда иштирок этадилар.

Жиззах область Пахтакор районидаги «Самарқанд» давлат хўжалигига жойлашган «Ниҳол» болалар боғчасида меҳнаткашларнинг 230 нафар фарзандлари тарбияланади. Бу ерда болажонларнинг яйраб ўйнашлари, мириқиб дам олишлари, турли машғулотлар билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган.

Суратда: тарбиячи У. Жўраева кичкинтойлар билан.

Суратқаш У. ҚУШВОҚОВ.

• Шаҳар транспорти: муаммо ечимини кутмоқда

● Автобусда одам тирбанд. Бунинг устига Жиззах ёзининг жазирама иссиғидан йўловчилар зўрға нафас олишади. Барчанинг фикру хаёли тезроқ ташқарига — соф ҳавога чиқишда. Лекин автобус атайлаб ғашга теккандай имиллайди. Бекатларда узоқ вақт тўхтаб қолади. Ҳайдовчи уларни фақат олдинги эшикдан тушираётганлиги туфайли узун «Икарус»дан тушаётганларнинг барчаси тердан жиққа ҳўл бўлишган. Шу боис деярли ҳар бекатда кўнгилхиралик. Ҳайдовчининг бу қилиғидан ғашланган айрим йўловчилар берган бир сўмларига атайлаб патта сўрашади. Бошқалари эса уни тезроқ жўнашга ундайди. Орқа-олдига қарамай сўкинган кўп. Ишга етиб келгунча кишиларнинг асаблари таранг тортиб улгуради.

БЕКАТДАГИ КЎНГИЛХИРАЛИК

«Автостанция — Ором» йўналиши бўйича қатнайдиган 39—53 ДДЛ давлат номерли автобус ҳайдовчиси Неъмат Абдуллаев ўзига хос услубни топибди. Унга пул йиғишда ёрдам бераётган ўрта ёшлардаги киши ҳар учала эшикдан тушаётганларни назорат қилиб, «қуён»ларни сезса ёки кимдандир шубҳа қилса, кучининг борича қичқириб, ғалати товуш чиқаради (у киши гунг экан). Лекин бу товуш кира ҳаққини ҳайдовчига узатган айрим йўловчиларга ҳам насиб этади. Чунки далил — патта йўқ-да!

Автобусдан бир амаллаб тушгач, кейингисини кута бошладик. Бекатдаги ким билан суҳбатлашманг, шаҳар транспортидан нолийди.

— Бугун эрталаб соат 8 у 30 ларда техникага хизмат кўрсатиш станцияси бекатида 300 нафарга яқин одам тўпланди, — дейди муҳандис Қ. Мустафоев. — Лекин 2-чи автобусдан дарак бўлмади. Ҳозир эса иш тугашига бир соат қолганда йўлга чиқишга мажбур бўлдим. Чунки соат 18 дан кейин яна ўша аҳвол бўлиши, шубҳасиз.

Иш вақтидан «бир соат ўғирлаган» йўловчининг барибир омади келмади, 20 июль куни соат 17,15 дақиқадан—18.15 дақиқагача иккинчи автобус ҳам, маршрут такси ҳам келмади.

— Йўловчига қиммат бўлса ҳам энди маъқул бўлди, — дейди тиббиёт ходими Г. Хагеева. — Илгари ҳайдовчилар 30 тийин. ўрнига 1 сўм олиб, кўзини лўқ қилиб турараверарди. Ҳозир эса ҳарқалай давлат фойда кўради.

Шундаймикин? Шаҳарда қатнайдиган автобусларнинг деярли барчасида чипта берилмайди. Бинобарин, кундалик кирим миқдорини ким назорат қилади, буниси номаълум. Шуниси аниқки, шаҳарда қатнайдиган автобуслар кун бўйи йўловчилар билан лиқ тўла. Айниқса, 1 ва 7-йўналишларда қатнайдиган автобусларда оёқ қўйгани жой тополмайсиз. Сабаби — аксарият ҳолларда дастлабки бекатлардаёқ автобус одамга тўлмаса ҳайдовчи кутиб ўтираверади. Икки-уч бекатдан сўнг автобусга чиқиш ва тушишнинг ўзи катта муаммо. Чунки ҳар 30—35 минутда (20, 21 июль кунлари шу ҳолат кузатилди) келадиган автобусларни кутиб тоқати тоқ бўлган йўловчилар катта йўлнинг ўртасига чиқиб олишади.

Давлат белгиси 42—78 ДДЛ давлат номерли автобус ҳайдовчиси Рашид Товбоев эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш ёмонлигидан нолиди. Аксарият ҳолларда бу муаммони ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳал этишлари керак экан. Шундай бўлгач, ҳайдовчи ортиқча даромад қилишга интилади. Аммо қайси йўл билан?

Бизнингча, бундай шароитда автобусларнинг қатъий йўналишини, иш вақтини аниқ белгилаган ҳолда узоқ муддатли ижарага берган маъқул. Ана шунда чипта, абонементларга ҳожат қолмайди. Ўз тинчини ўйлаган ҳайдовчи эрталаб ва кечқурун, бозор ва байрам кунлари бир-икки соатга ёрдамчи ёллаши мумкин. Ёки худди шу ишни корхонанинг ўзида уюштирса ҳам бўлади. Уйда бекор ўтирган фахрийлардан ана шу мақсадда фойдаланилса, ҳар икки томонга фойдали бўлиши аниқ.

Йўловчиларнинг яна бир норозилиги кичик автобуслардан. Маълумки, бундай маршрут таксиларда кира ҳақи 3 сўм, аммо йўловчи учун буларнинг оддий автобусдан фарқи йўқ. 20 июль куни 66—32 ДДГ автобусига чиққанимизда ўтириш у ёқда турсин, бошни тик кўтариб туришга жой топилмади. Аммо ҳайдовчи учун бунинг аҳамияти йўқ. Аксинча, йўлда учраган одамни олиш илинжида ҳар қадамда тўхташга тайёр.

— Ҳеч бўлмаса хизмат маданиятини озгина ўрнига қўйишса бўларди, — дейди фахрий Ғ. Ҳамроев. — Автобус — таксига ўтирганларга хушмуомала бўлиш, транспортни тоза сақлаш, вақти-вақти билан сув сепиб салқин қилиб туриш нахотки қийин бўлса?

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиш ўринлидир. Кўпгина корхоналарда хизмат автобуслари мавжуд. Ўзаро шартнома тузиб, ўша автобусларнинг бўш вақтларидан шаҳар транспортидаги аҳволни яхшилаш мақсадида фойдаланиш мумкин. Барибир уларнинг катта қисми кимларнингдир манфати учун хизмат қилаяпти.

Шаҳар аҳолисининг кундалик турмуши, меҳнати, харажати транспортдан бошланади, десак хато бўлмас. Шундай экан, мутасаддилар йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг бу туридаги нуқсонларни тугатиш борасида ўйлаб кўришлари, изланишлари керак. Энг аввало, муомала маданиятини юксалтириш лозим. Ахир иқтисодий танглик, мураккаб сиёсий жараёнда ҳеч бўлмаганда бир-биримизга хушмуомала бўлайлик. Эрталабдан бошланаётган кўнгилхираликларнинг олдини олайлик. Ана шунда меҳнатимиз унумли, кайфият яхши бўлади.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИ

Босма маҳсулотларининг қуйидаги турлари бўйича шошилинч ва оддий бурютмаларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— юмшоқ муқовали китоблар, брошюраларнинг ҳажми: 384 қоғоздан ошмаслиги керак, формати 84x108 1/32, 84x108 1/16, 70x108 1/16;

— рангли буклетлар, проспектлар, болалар учун мўлжалланган юмшоқ муқовали китобчалар,

ёрлиқ (этикетка)лар, открткалар ва босма маҳсулотларнинг бошқа турлари. Қоғоз формати 60x45 дан 90x120 см. гача;

— рангли бўёқда бажарилган деворбоп гул қоғозлар ва текстуралар;

— буюртмачининг картонидан ясалган рангли қутичалар:

Сизнинг қоғозингиз ва бизнинг меҳнатимиз эвазига юқори сифатли бажарилган буюртмаларга эга бўласиз!

Қоғозингиз ёки босма материалларни топишда қийналсангиз, хотиржам бўлинг. Сизга уни биржа орқали харид қилишга ёрдам берамиз.

Босма маҳсулотларнинг тайёрлаш муддати қуйидагича:

тайёр матрица ва позитивлардан — 1 ойгача.
асл нусхадан, яъни оригиналдан — 2 ойгача;

Клише, шильда, бланк, канцелярия дафтарлари концерн қоғозидан чекланмаган миқдорда тайёрлаб берилади.

Мурожаат қилиш учун манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

Телефонлар: 33-80-07, 33-84-78, 33-90-50, 32-55-31.

Пахта саҳдоси билан шуғулланувчи фирмага

ВАКИЛЛАР КЕРАК

Республикамизнинг барча регионлари бўйича пахта топиш имконияти бўлган, ҳамда ўзини биз билан ҳамкорлик қилишга лойиқ, деб билган барча корхона ва шахсларни (3712)39-11-10 телефонига қўнгироқ қилишни таклиф қиламиз.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноати — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; ёзатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-70, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 33-44-51, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народного демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
Буюртма № Г — 217.
№ 147.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни, 700000 Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.